

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИГА НИСБАТАН ЯНГИЧА ТАЛҚИНЛАРНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Жалол Турсунмуратович АХМЕДОВ

ўқитувчи

Жиззах политехника институти

Жиззах, Ўзбекистон

[@jalolaxmedov2023](mailto:jalolaxmedov2023)

Аннотация

Мақолада Марказий Осиё минтақаси халқлари тарихига нисбатан янгича талқинларнинг мазмун ва моҳияти хусусида баъзи маълумотлар келтирилган. Шу орқали Марказий Осиё халқлари тарихи бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларни бир нечта гуруҳларга бўлиш методлари қўлланилган.

Таянч сўзлар: Марказий Осиё, миллат, элат, халқ, туркийлар, хинд-эроний элатлар, скиф, сак, массагет, орий.

СОДЕРЖАНИЕ И СУЩНОСТЬ НОВЫХ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ИСТОРИИ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Джалол Турсунмуратович АХМЕДОВ

Преподаватель

Джизакский политехнический институт

Джизак, Узбекистан

Аннотация

В статье представлены некоторые сведения о содержании и сущности новых интерпретаций истории народов Центральноазиатского региона. В данной статье были использованы методы разделения исследователей на несколько групп.

Ключевые слова: Средняя Азия, нация, народ, народность, тюрки, индо-иранские народы, скифы, саки, массагеты, орий.

Марказий Осиё халқларига бугунги кунда қарийб 80 миллионга яқин аҳолига эга минтақа сифатида қаралиб, бу атама кўпроқ Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон каби бешта мустақил республикани ўз ичига олган ҳудудга нисбатан ишлатилади. Бу ҳудуд нафақат географик жиҳатдан бир бутунни ташкил этади, балки айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, тили, дини, маданияти, тарихи умумий бўлган халқларни ўзида бирлаштиради. Шу боис дунё ҳамжамияти, айниқса, Ғарб ва рус, япон, хитой ва бошқа шу каби дунёнинг етакчи давлатлари тарихчи ва жамиятшунос олимлари минтақа тарихини ўрганаётганда Марказий Осиёнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиб келади.

Дунё минтақашунослик ва маданий антропология йўналишларида Евросиё минтақасининг муайян бир қисми бўлмиш Марказий Осиё худудидаги мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари бугунги кунда катта эътибор қаратилаётган мавзулардан биридир. Шу жиҳатдан, иқтисодий негизининг бир қисми ўтроқ деҳқон аҳоли, бир қисми эса кўчманчи чорвадорлар дунёсини камраб олган Марказий Осиё тарихи дунё олимларининг диққат марказида турибди. Бу борада айниқса, Европа, Россия, Туркия, Хитой, Япония ва яна бир қатор дунёдаги етакчи илмий марказлар томонидан минтақа тарихининг махсус ўрганиб келинаётгани буни тасдиқлайди. Шунингдек, ЮНЕСКО ташкилоти Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришганларидан бирмунча олдин бунга ўхшаш илмий фаолиятлар бўйича бир қатор ташаббуслар билан чиққан эди. Айниқса, 1980 йилларнинг охирларида ЮНЕСКО ташаббуси билан “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” руқни остида кўп жиддлик Марказий Осиё (1992, 1994, 1996, 1998, 2003, 2005) тарихини ёзишга киришилган ва бу иш 1990 йиллар бошларидан нашр этила бошланган эди [7].

Марказий Осиё давлатларида ҳам шунга ўхшаш ташаббуслар бошланиб, минтақа халқларининг муштарак тарихини ёзиш бўйича бир қатор илмий лойиҳалар амалга оширилганлиги кўзга ташланади. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва ҳоказо давлатлар етакчи илмий муассасалари ташаббуси билан минтақа халқлари тарихини ёритиш бўйича ўнлаб халқаро илмий конференцияларнинг ўтказилаётганлиги диққатга сазовордир.

Бу масалада айниқса Қозоғистон республикаси тарихчи, археолог ва тилшунос олимларининг ташаббуслари диққатга сазовор. Олимлар Алмати, Астана, Туркистон шаҳарларида ўнлаб халқаро илмий анжуманлар ўтказиб, нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки дунёнинг минтақа билан шуғулланувчи етук олимларини таклиф қилган қозоғистонлик тадқиқотчилар минтақа халқларининг умумий, муштарак тарихини ҳамкорликда ёзиш

фикрини қўллаб-қувватладилар. Кейинги ўн йилликда эса қозоғистонлик тарихчилар асосий урғуни туркий халқлар умумий тарихини ёзишга ва уни Марказий Осиё давлатлари, Озарбайжон ва Туркиядаги ўрта мактабларда ўқитиш ғояси билан чиқишди. Бу ғоя ҳам аслида 1990 йилларнинг бошида Тошкент, Анқара ва бошқа шу каби пойтахт шаҳарларда ушбу мамлакатлар раҳбарлари томонидан айтилган таклифларнинг давоми эди. 2012 йилда Астана шаҳрида Халқаро Туркий академия ташкил этилиши билан ушбу ташкилот томонидан туркий халқлар тарихининг умумий томонларини кўрсатиб бериш мақсадида ўрта мактабларнинг 8-синф ўқувчилари учун “Туркий халқлар умумий тарихи” дарслиги яратилиб, бугунги кунда ушбу дарслик синов тариқасида Озарбайжон, Қозоғистон ва Туркия ўрта мактабларида факультатив курс сифатида ўтила бошланди [9]. Бу ташаббусга Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳам қўшилиши бўйича ўзаро фикр алмашинуви давом этмоқда. Туркий халқларнинг энг қадимги даврларидан то XV асргача бўлган даврини ўз ичига олган ушбу дарсликнинг ёзилишида ўзбекистонлик тарихчиларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлди [5].

Жаҳон амалиёти тажрибасидан маълумки, ҳар қандай давлат, айниқса мустақил тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар хориж билан ҳамкорлик алоқаларисиз ривожлана олмайди. Аксинча, ҳар бир мамлакат мустақил тараққиёт йўлини жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш орқали мустаҳкамлайди. Шу маънода жаҳон мамлакатларининг интеграциялашуви бугунги глобал геосиёсий, геомаданий жараёнлар тез кечаётган бир шароитда ўта муҳим бўлиб, янгиланаётган минтақа республикаларидаги ижобий ўзгаришлар жаҳон мамлакатларининг минтақа тарихига бўлган қизиқишини тобора оширмоқда.

Марказий Осиё халқлари тарихининг қадимги давр, илк ўрта асрлар, ривожланган ўрта асрлар ва сўнгги ўрта асрлар каби тадрижий босқичларини ўрганишда бугунги кун жаҳон тарихшунослигида бўлсин ёки минтақанинг маҳаллий тарихчилари бўлсин, турлича ёндашаётганлиги кўзга ташланади. Бу масалада соф илмий ёндашув, объективликка риоя қилиш бирмунча

устувор бўлса-да, жойларга қараб бир-бирини рад қилувчи ёндашувлар ҳам кузатилади. Умуман олганда, Марказий Осиё халқлари тарихи бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) ёзма манбалар ва археологик материалларга мурожаат қилган ҳолда илмий этика, объективлик, ҳаққонийликка риоя қилувчи тадқиқотчилар;
- 2) бундай манбалардан фойдаланаётган, бироқ кўпроқ ўзининг миллий тарихини ёритишга интилаётган изланувчилар;
- 3) манбалардан фойдаланган, бироқ уларни ўз манфаатларига мослаштириб, тарихий воқеликларга бирёқлама ёндашиб, ноҳолисликка йўл қўяётган тадқиқотчилар;
- 4) манбаларга деярли мурожаат қилмасдан ёки бирёқлама ёндашган ҳолда ўз халқининг тарихини янада “қадимий” ва “буюк” қилиб кўрсатишга интиладиган тадқиқотчилар.

Бу каби ёндашувларни яна кўплаб катта-кичик гуруҳларга бўлиш мумкин. Шу билан бирга, қарийб 30 йилдан бери, яъни Марказий Осиё республикалари ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан бери бу соҳада шуғулланиб келаётган тадқиқотчиларни асосан шу гуруҳлар замирида қараб чиқиш мумкин. Жаҳон тарихшунослигида бундай ёндашувларнинг ҳар бири бошқа минтақаларда ҳам кузатилганлиги туфайли дунёнинг йирик тадқиқот марказлари Марказий Осиёда ҳам шундай ҳолатлар кучайиб кетмаслиги учун бир қатор илмий-амалий тадбирларни амалга оширдилар. Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек, 1990 йилларнинг бошларидан 2005 йилгача ЮНЕСКО ташаббуси билан инглиз тилида “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” номли 6 жилдлик йирик монография нашр этилди [8].

Тадқиқотлар натижасида Марказий Осиё тарихига доир тортишувли фикрлар у ёки бу даражада ўз ечимини топа бошлади. Марказий Осиё халқлари, умуман, минтақанинг энг қадимги тубжой аҳолиси кимлар бўлганлиги ва улар қайси тил гуруҳларида сўзлашганликлари масаласида ҳам

маҳаллий, ҳам чет эл тадқиқотчилари орасида бугунги кунгача асосан кўйидагича қарашлар давом этаётган бўлса-да, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро илмий ташкилотлар ташаббуси билан чоп этилган нашрларда минтақа қадимги аҳолисининг милоддан олдинги икки мингйилликда асосан шарқий эроний тилда сўзлашганликлари, улар минтақанинг марказий, жануби-шарқий ва жануби-ғарбий ҳудудларида кенг ёйилиб, ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадор турмуш тарзига эга бўлганликлари ўз тасдиғини топа бошлади. Шу билан бирга, милоддан олдинги сўнгги мингйилликда минтақанинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида туркий тилли элатларнинг кенг ёйилганлиги аниқланиб, уларнинг хўжалик ҳаётида кўчманчи чорвадор турмуш тарзи устунлик қилганлиги олға сурилди.

Марказий Осиёнинг ҳар иккала тилда сўзлашувчи аҳолиси – эронийлар ва туркийларнинг минтақада ёйилиши бўйича асосан юқорида айтиб ўтилган фикрларга яқин қарашлар анча олдинлар ҳам айтилиб ва ёзилиб келаётганига қарамай, айрим тарихчи ва тилшунос олимлар томонидан бир-бирини рад қилувчи нашрлар бугунги кунда ҳам давом этаётир. Улардан бир гуруҳи минтақанинг қадим аҳолиси туркийлар бўлган деса, бошқа бир гуруҳи туркийларнинг бу ҳудудга анча кейин, милод бошларида ёки ундан анча кейин келиб жойлашганлигига урғу бермоқдалар.

Марказий Осиё ва унга жануби-ғарб ва жануби-шарқдан кўшни ҳудудларда ҳинд-эроний элатлар тарқалишидан олдин уларнинг аجدодлари Шарқий Европадаги даштлар ва ўрмонли даштлар зонасида яшаб, ҳинд-европа тил оиласига мансуб бошқа элатлар билан битта ҳудудда яшаган эдилар деган тахмин ҳам йўқ эмас. Ҳинд-эроний элатларнинг миграцияси Марказий Осиё – Шарқий Европа – Кавказ – Месопотамия – Эрон платоси – Ҳиндистон субқитъаси занжири янада аниқроқ исбот талаб қилади. Яқин йилларда ўтказилган лингвистик ва археологик тадқиқотларга кўра, ҳинд-европа тили неолит даврининг бошида аллақачон кенг тарқалган тиллар гуруҳи сифатида танила бошлаган. Ҳинд-европа тил оиласининг турли гуруҳларга ажралиши бир вақтнинг ўзида содир бўлган, деган қарашларга

таяниладиган бўлса, бу жараён Шарқий Европада қишлоқ хўжалиги ривожлана бошлаганида, яъни милоддан олдинги VI минг йилликда юз беради. Бироқ бу ҳудудда Ғарбий ҳинд-европалар ва Шарқий гуруҳ (асосан ҳинд-эронийлар) орасидаги алоқаларни яққол кўрсатадиган умумий қишлоқ хўжалиги терминологияси йўқ даражада. Шунга қарамай, илк неолитда Марказий ва Шарқий Европа ҳудудида ҳинд-европа тил оиласи гуруҳлари орасида ҳинд-эрон тил гуруҳини кузатиш мумкин [4].

Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси яна қайси тил гуруҳидан ташкил топганлиги масаласида кўпчилик олимлар шарқий эроний тилли халқлардан тил ва этник жиҳатдан алоҳида ажралиб турувчи этник гуруҳ – туркий элатларнинг бу ҳудудда айнан қачон ёйила бошлаганликлари масаласида бир тўхтамга келишмаган. Шу пайтгача кенг ёйилган қарашларга кўра, улар асосан Мўғулистон, Жанубий Сибирь, Олтой ва Шимолий Хитой (Ордос ўлкаси)да яшаб, фақатгина милоддан олдинги сўнгги мингйилликнинг охири чорагида Марказий Осиёнинг дашт ҳудудлари (Марказий Қозоғистон, Еттисув ва Сирдарёнинг ўнг ҳавзаси)да кўрина бошлаганлар.

Бироқ бу фикрга қарши бўлган тадқиқотчилар ҳам бирмунча кўпчиликни ташкил этиб, улар орасида озарбайжонлик, россиялик, қозоғистонлик, туркманистонлик ва ўзбекистонлик олимлар ҳам учрайди. Масалан, ўзбекистонлик хитойшунос олим А. Хўжаев ва кейинчалик унинг қарашларини қўллаб-қувватлаган таниқли археолог олим А. Асқаров бу борада кейинги йилларда кўплаб мақолалар нашр қилишди. А. Хўжаев милоддан олдинги сўнгги мингйилликка тегишли хитой ёзма манбаларида бугунги Хитойдан шимолда ва шимоли-ғарбда – Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда яшаган кўчманчи элатлар тўғрисидаги маълумотларга таяниб, милоддан олдинги II мингйилликда, яъни бу ҳудудда эроний элатлар истиқомат қилган даврда туркий халқларнинг аجدодлари яшаганликларини илгари сурди. Унинг фикрича, хитой манбаларида “ди”, “динлин”, “теле” деб тилга олинган кўчманчи элатлар гуруҳининг номи аслида “турк” этнонимининг хитойча ифодаланишидир [6]. А. Асқаров ҳам унинг бу

фикрларига қўшилиб, хитой манбаларига бундан камида 4 минг йил аввал кириб келганига урғу беради. Унга кўра, Марказий Осиёда, шу жумладан, бугунги Ўзбекистон ҳудудида туркийларнинг илк аجدодлари – “тур” ёки “туро”лар бронза давридаёқ кўрина бошлаган эдилар [1].

Тадқиқотчиларнинг таҳлилларига кўра, туркийлар мил. авв. II мингйиллик ўрталаридан уларнинг Ўрта Осиё ва Кавказorti ҳудудлари оркали жанубга – Эрон сарҳадларига, ундан Ҳиндикуш тоғ тизмаларини ошиб, Шимолий Ҳиндистонгача кириб боришган. Бу воқеликлар милоддан олдинги II мингйилликнинг иккинчи ярмига тегишли бўлиб [3], уларнинг Ўрта Осиёга илк бор кириб келиши хатто халқ ёдномаларида ҳам ўз аксини топган [2].

Юқорида кўриб чиқилган маълумотлар Марказий Осиёнинг қадимги даври аҳолисига тегишли бўлиб, ундан кейинги жараёнларда, айниқса, милод бошлари ва илк ўрта асрларда шарқий эроний тилли элатлар (хоразмийлар, суғдийлар, бактрийлар ва ҳ.к.) ҳамда туркийлар билан боғлиқ бир неча юзлаб сўзлар турли тиллардаги ёзма манбалардан ўрин олган. Шу боис, уларнинг этник мансублиги ва тарқалиш географияси борасида тортишувларга ўрин қолмаган. Аслида чуқур илмий изланишлар олиб борилса, минтақа халқларининг қадим илдизларини ҳам аниқлаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бунинг учун ҳам дунё олимлари, ҳам минтақа тадқиқотчилари ҳамкорликда археологик, лингвистик ва этнологик изланишлар олиб боришлари ва масалага бирёқлама эмас, объектив ёндашувлари талаб этилади.

Марказий Осиё халқлари тарихида умумий жиҳатлар кўп бўлишига қарамай, фарқли томонларга эътибор қаратиш, қайси халқлар қадимий ва тубжой аҳоли, қайсилари эса “келгинди” ва “тарихи нисбатан ёш” каби масалалар гуё долзарб масалага айланиб қолган бўлиб, минтақа халқлари тарихини соҳа вакиллари эмас, кўпроқ турли касб эгалари – математик, химик, журналист, ҳатто тиббиёт соҳа вакиллари ҳам “миллий тарих”ни ёзишга уринаётгани кузатилмоқда.

Минтақадаги миллатлар кейинги юзйилликда “сунъий яратилгани”, яъни конструкция қилингани, қадим ва ўрта асрларда бўлгани каби сўнгги ўрта асрларда ҳам бу ерда аҳоли ўзларининг географик жойлашувидан келиб чиқиб, давлатлар ташкил қилгани, миллат деганда этник эмас, диний мансублик тушунчаси устуворлик қилгани кўп ҳолларда назардан четда қолмоқда. Ҳолбуки, илғор хорижий давлатларда, айниқса, Фарбда бутун дунё халқлари бўйича олиб борилаётган изланишлар янгича ёндашувларни келтириб чиқарган бўлиб, тарихни ёритишда турли назариялар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда устувор ёндашув шуки, турли давлатларда яшайдиган аҳоли ўзлик масаласида этникликка эмас, фуқаровий мансубликка эътибор бермоқдалар.

Илғор олимларнинг фикрича, Марказий Осиё республикаларида ҳам ўзлик масаласида шундай ёндашув етакчилик қилса, ўзаро миллий зиддиятлар, “тарихий талашувлар”га ечим топилади. Бунинг учун эса минтақа республикаларининг илмий жамоатчилиги ўзаро ҳамкорликда тарихий тадқиқотлар олиб боришлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкень: Ўзбекистон, 2015.
2. Беруний, Абу Райхон. Памятники минувших поколений. Избранные произведения. Том 1. /Пер. с арабского М.А.Салье. – Ташкент: Фан, 1967.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. – Москва, 1948.
4. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. – Фарғона: Фарғона, 2013.
5. Ortaq Türk tarixi. 8-sinflar üçün darslik. – Bakı, 2021.
6. Harmatta J. The emergence of the Indo-Iranians: the Indo-Iranian languages // HCCA. Vol. 1. – Paris: UNESCO publishing 1992. – P. 357-378.
7. History of Civilizations of Central Asia (HCCA). Vol. I – VI. Collective authors. Edited by UNESCO. – Paris, 1992-2005.

8. History of Civilizations of Central Asia (HCCA). Vol. I – VI. Collective authors. Edited by UNESCO. – Paris, 1992-2005.

9. [https://www.inform.kz/oz/turkiy davlatlar maktablarida turkiy xalqlar umumiy tarixi darsi o'quv dasturiga kiritildi_a3617495](https://www.inform.kz/oz/turkiy_davlatlar_maktablarida_turkiy_xalqlar_umumiy_tarixi_darsi_o'quv_dasturiga_kiritildi_a3617495).